



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 19 сентябрь, № 196 (8539)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлиб турибди.



Президент Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шаҳрига ташрифи доирасида 18 сентябрь кuni ўзига ажратилган қароргоҳда Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель, “GE HealthCare” компаниясининг Европа, Яқин Шарқ ва Аф-

маданий тadbирлар уюштирилмоқда. Учрашув чоғида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда қабул қилиш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кўпайтириш учун қулай шароитлар яратиш, иқтисо-

уларни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ниятида. “GE HealthCare” компанияси президенти Роб Уолтон соғлиқни сақлаш соҳасида кардиографлар ишлаб чиқариш, скрининг ва кардио ахборот тизими



ларини молиялаштириш мўлжалланган. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга инвестиция йўналтириш кўзда тутилган.

Президентимиз ушбу режаларни маъқуллаб, мутасаддиларга тез фур-

қувватли тракторлар ишлаб чиқариш ҳамда лизинг тузилмаларига тўғридан-тўғри молиявий ресурслар ажратиш режаларини баён қилди.

Президентимиз компаниянинг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш

кенгайтиришда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил 15 сентябрь кuni Вашингтон шаҳрида АҚШнинг 250 дан ортиқ компания ва банклари вакиллари иштирокида ўтган қўшма бизнес



рикадаги президенти ва бош ижрочи директори Роб Уолтон, “Orpenheimer” инвестиция компанияси бошқарувчи директори Жон Тонелли, “Cerberus” компанияси вице-президенти Брайан Хук, “СНН” компанияси вице-президенти Стив Надерни, “Сintana” компанияси раҳбари Дуглас Беккер, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, “Air Products” компанияси бошқаруви раиси, президенти ва бош ижрочи директори Сейфи Гасеми ва Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Кристилина Георгиева билан учрашув ўтказди.

Шарль Мишель билан учрашувда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама муносабатларда бугун гоят юксак даражага эришилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Еврокенгаш раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи, “ЕИ — Марказий Осиё” форматидagi саммитлар, ўзаро боғлиқ бўйича халқаро конференция ва иқтисодий форумлар муваффақиятли ўтказилди.

Йил бошидан буён Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан товар айланиши ҳажми 35 фоизга ошди, Европанинг етакчи компаниялари билан биргаликда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, муҳим

диётнинг асосий тармоқларида кооперацияни, шу жумладан, узоқ муддатли икки томонлама ҳужжатларни қабул қилиш орқали чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Еврокенгаш Президенти Шарль Мишель Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни илгари суриш, ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда Ўзбекистон раҳбари етакчи роль ўйнаётганини қайд этди.

Самарали халқаро транспорт йўлакларини, хусусан, Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистонда юзага келадиган вазият, шу жумладан, афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш борасидаги саяё-харакатлар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Бўлажак кўп томонлама тadbирлар режаси кўриб чиқилди.

“GE HealthCare” компаниясининг Европа, Яқин Шарқ ва Африкадаги президенти ва бош ижрочи директори Роб Уолтон билан учрашувда корпорациянинг мамлакатимизда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги режалари муҳокама қилинди.

Дунёнинг индустриал гиганти бўлган “General Electric” корпорацияси стратегик шериклик доирасида Ўзбекистон корхоналари билан инвестициявий ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, замонавий юқори технологик ускуналарни етказиб бериш ва

йўлга қўйилишини таъкидлади. Бундан ташқари, инвестор Ўзбекистонда Миллий тиббий маълумотлар архивини яратишда иштирок этишни режалаштирмоқда.

Учрашув якунида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

1994 йилда “General Electric” таркибиде ташкил этилган “GE HealthCare” бош қароргоҳи Чикагода жойлашган тиббий технологиялар соҳасидаги трансмиллий компания. Корпорация активлари қарийб 28 миллиард долларни ташкил этади.

“Orpenheimer” инвестиция компанияси бошқарувчи директори Жон Тонелли билан учрашув ҳам самарали бўлди.

Активлари қиймати 36 миллиард доллар бўлган ушбу йирик инвестиция жалб қилиш юзасидан келишувларга эришилганини мамнуният билан қайд этди.

Жон Тонелли мамлакатимизда саноат қувватларини ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларга хусусий инвестицияларни жалб қилиш юзасидан келишувларга эришилганини мамнуният билан қайд этди.

Биринчи босқичда тўқимачилик кластерлари, қурилиш материаллари саноати корхоналарини ривожлантириш, Тошкент шаҳри инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳа-

сатда амалий ишларни бошлашга топшириқ берди.

“Cerberus” компанияси вице-президенти Брайан Хук билан учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Активлари қиймати 60 миллиард доллардан зиёд бўлган глобал инвестиция корпорацияси коммуникациялар тармоғи, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, транспорт ва энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш лойиҳаларига тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтиришни режалаштирган.

Вице-президент Брайан Хук илк ҳамкорлик лойиҳалари жорий йилнинг охирига қадар бошланганини таъкидлади.

Учрашув якунида ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Активлари қиймати қарийб 50 миллиард доллар бўлган “СНН” трансмиллий компанияси қишлоқ хўжалиги машинасозлигида Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкоридир. Машҳур “Case” ва “New Holland” брендлари остида йўл қуриш ва қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаради.

Учрашувда вице-президент Стив Надерни компаниянинг тармоқдаги бир қатор саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва модернизация қилиш, комбайн ва пахта йиғиш машиналарини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, шу жумладан, юқори

савдо амалий ишларни бошлашга топшириқ берди.

“Сintana” компанияси Аризона давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, дунёнинг 30 мамлакатда фаолият юритади, университетларда таълим сифатини ошириш билан шуғулланади.

“Сintana” асосчиси ва раиси Дуглас Беккер Аризона давлат университети билан ҳамкорликда мамлакатимизда Америка технологиялар университети ташкил этиш устида иш олиб бормоқда.

2024 йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш, инжиниринг, архитектура ва дизайн каби йўналишларда малакали кадрлар тайёрлашни бошлаш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу режаларни маъқуллаб, Ўзбекистон таълим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишга тайёрлигини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм билан учрашди.

Тadbирда “GE HealthCare”, “Orpenheimer”, “Cerberus”, “СНН” ва “Сintana” корпорациялари раҳбарлари ҳам иштирок этди. Учрашувда вице-президент Стив Надерни компаниянинг тармоқдаги бир қатор саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва модернизация қилиш, комбайн ва пахта йиғиш машиналарини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, шу жумладан, юқори

форумнинг самарали янунлари катта мамнуният билан қайд этилди.

Палата раиси Кэролин Лэмм давлатимиз раҳбарига Америка бизнесининг мамлакатимизга қизиқиши ва ишончи ошишига хизмат қилаётган орта қайтмас ислохотлар дастурини амалга оширишдаги сиёсий етакчилиги учун миннатдорлик билдирди. Кейинги бир неча йилда палата таркибига АҚШнинг йирик компаниялари киргани, уларнинг умумий сони 50 га етгани таъкидланди.

Учрашувда АҚШ бизнесининг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш борасидаги аниқ режалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари”ни қабул қилишга келишиб олинди.

“Air Products” компанияси бошқаруви раиси, президенти ва бош ижрочи директори Сейфи Гасеми билан учрашувда АҚШ Давлат қотибининг энергетика масалалари бўйича уринбосари Жеффри Пайетт ҳам иштирок этди.

АҚШнинг етакчи компанияси билан стратегик шерикликни янада кенгайтириш масалалари, жорий лойиҳаларнинг бориши ва истиқболга мўлжалланган аниқ режалар кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

(Давоми. Бошлиқни 1-бетда).

Бугунги кунда юртимизда "Air Products" томонидан "Uzbekistan GTL"да саноят газларини қайта ишлаш, "Навоийазот" негизда синтез-газ, кислород ва азот, сульфатланган карбонат ангидрид ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Кейинги икки йилда ушбу лойиҳаларнинг давомий сифатида компаниянинг 1 миллиард доллардан зиёд тўридан-тўри инвестициялари жалб қилинди.

Сўхбатда кўмирни газлаштириш, техник газлар, водород ва аммоний ишлаб чиқариш ҳамда аччиқ газларни утилизация қилиш бўйича истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилди.

"Air Products" экспертлари карбонизлаштириш соҳасида зарур норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда ҳам қатнашади.

Бундан ташқари, лойиҳалар портфелидан озиқ-овқат саноятига инновацион ишланмаларини жорий қилиш ўрин олган.

Учрашув якунида "Air Products" компаниясининг Ўзбекистон учун қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган янги инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича келишувлар амаллашди.

Ўзбекистон — АҚШ кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтиришга қўшган ҳиссаси ва мамлакатимиздаги орта қайтмас ислохотларни қўллаб-қувватлагани учун

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Air Products" бошқаруви раиси Сейфи Гасемига юксак давлат мукофоти — "Дўстлик" орденини топширди.

Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Кристилина Георгиева билан учрашувда глобал иқтисодий вазият юзасидан батафсил фикр алмашилди. ХВФ билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, шу жумладан, жорий йил июнь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган икки томонлама учрашувда эришилган келишувлардан келиб чиққан ҳолда янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Фонд раҳбари Ўзбекистонда орта қайтмас тус олган ислохотлар дастури натижаларига юқори баҳо берди ҳамда мамлакатимиздаги самарали янгиликларини илгари суришда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёргилини билдирди.

Учрашув чоғида ХВФнинг юртимиз молия соҳаси барқарорлигини комплекс таҳлил қилиш, иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш бўйича тақрирлар ишлаб чиқишда консалтинг кўмагини кўрсатиш ҳамда мамлакатимиз идоралари мутахассисларининг салоҳиятини юксалтириш дастурини амалга оширишдаги иштирокига доир масалалар муҳокама қилинди.

Амалий таширф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатларида

яшаётган ва ишлаётган бир гуруҳ ватандошларимиз ҳамда ушбу мамлакатнинг етакчи олий таълим даргоҳларида тахсил олаётган "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиатлари билан учрашди.

Очиқ ва жонли мулоқот шаклида ўтган тадбирда давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида сўзлаб берди, мамлакатимиз модернизациясига кўмаклашишда ватандошларимизда улкан салоҳият борлигига эътибор қаратди.

Ватандошлар ва уларни бирлаштирувчи ташкилотлар мисли кўрилмаган юқори даражага чиққан Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ватандошларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, хорижда ўзбек тили курсларини ташкил этишга кенг кўмаклашиш, ватандошлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларини зиёрат қилиши учун махсус туризм хизматлари тўпламларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

— Биз таълим, тиббиёт, иқтисодиётда олиб бораётган янгиликлар натижасини ҳар бир юртодошимиз ўз ҳаётида ҳис қилиши керак. Сизлардек хорижда ўқиган, йирик компанияларда ишлаб,

тажриба орттирган юқори малакали мутахассислар ҳам юртимизга қайтиб келиши ва бутун салоҳияти билан Янги Ўзбекистонни барпо этишда иштирок эта олишлари учун барча шароитни яратимиз керак, — деди Президентимиз. — Бугун шу ердаги ҳар бир ўзбекистонликда кучли Ватан ҳисси ва унинг ривожига ҳисса қўшиш иштиёқини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Сизларни Ўзбекистонда кутиб қоламиз.

Учрашув иштирокчилари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилган тўб ва кенг кўламли ишловлар халқимиз фаровонлигини янада ошириш, юртимизнинг халқро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Катта компанияларда ишлаётган ва нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқиган ватандошлар ўз фикр ва тақлифларини билдирди. Жамғият ҳаёти ва иқтисодиётнинг турли масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қаратилган катта эътибор учун санимий миннатдорлик билдириб, ватандошлар Ўзбекистон ривожига муносиб ҳисса қўшишига тайёргилини таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида амалий таширфи давом этмоқда.

Ў.А.

## ИККИ ТОМОНЛАМА ВА КЎП ТОМОНЛАМА МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида иштироки доирасида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтадиган "C5+1" форматидаги биринчи олий даражадаги саммитда қатнашди.

"C5+1" формати Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ўртасидаги кўп томонлама мулоқот ҳисобланади. Ушбу мулоқот 2015 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида минтақа давлатлари ва АҚШ таъкидлагани алоҳида раҳбарларнинг биринчи учрашувида бошланган эди. Бундан қўланган мақсад долзарб масалалар юзасидан доимий фикр алмашиш, шунингдек, минтақавий савдонини яхшилаш, транспорт-энергетика алоқаларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экологик муаммоларга, экстремизмга қарши курашиш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш билан изоҳланади.

"C5+1" мулоқоти вазирларнинг биринчи учрашуви якуни бўлиб, унда АҚШнинг Марказий Осиё давлатларининг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга содиқлиги, шунингдек, иштирокчи мамлакатларнинг мунтазам алоқаларни давом эттиришга тайёргили қайд этилган.

Бугунги кунга қадар вазирларнинг 12 та учрашуви бўлиб ўтди. 2021 йил сентябрь ойида "C5+1" мамлакатлари вазирлари икким ва атроф-муҳит масалаларини муҳокама қилиш учун биринчи марта учрашди.

"C5+1" формати доирасида Марказий Осиёда хорижий жангариларга ва радикаллашув жараёнларига қарши курашиш, тадбиркорликни ривожлантириш, транспорт ва савдо йўлакларини такомиллаштириш, келажак энергетика жабҳасини раванқ топтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича миллий режаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар семинарлар, конференциялар ва тренинглр шаклида ҳаётга таъбиқ этилмоқда. 2022 йил апрель ойида "C5+1" форматидаги ўзаро ҳамкорликни институционализациялаштириш мақсадида ушбу платформа Котибияти ўз иштини бошлади. Унинг асосий мақсади "C5+1" формати доирасида ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ўтказилаётган тадбирларнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги шерикликни ривожлантириш бўйича тақлифлар тайёрлашдан иборатдир.

"C5+1" доирасида муайян йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик муҳокамаси учун ҳар йили уч йўналиш — иқтисодиёт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетика ҳамда хавфсизлик бўйича ишчи гуруҳларнинг йиғилишлари ўтказиб келинмоқда.

Марказий Осиё Ўзбекистон томонидан таъкидланган устувор йўналиши сифатида белги-лангани боис "C5+1" формати доирасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу минтақадаги ижобий интеграция жараёнларига бевосита таъсир

этувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу нукта назардан, мазкур формат доирасидаги самарали шериклик баробарида Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама ҳамкорлиги изчил мустаҳкамлаиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 15 — 17 май кунлари бўлиб ўтган АҚШга биринчи расмий таширфи икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврига асос солди.

Сўнгги олти йилда юқори даражадаги делегациялар алмашуви, идораларо ва парламентларо алоқалар, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик фаоллашди.

АҚШ Конгресси Вакиллар палатасида АҚШ — Ўзбекистон муносабатларини фаоллаштириш тарафдори бўлган конгрессменларнинг норасмий гуруҳи — "Ўзбекистон бўйича кокус" ташкил этилган бўлиб, у қизгин фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг сони ҳам йил сайн ортиб бормоқда. "Женерал Электрик", "Женерал Моторс", "Хаят", "Жон Дир", "Боинг", "Ханейвелл", "Кока Кола", "Калатрава", "Силверлиф" ва бошқа концерн ҳамда компанияларнинг мамлакатимизда фаол ишлаётгани муваффақиятли иқтисодий шерикликка мисол бўла олади.

Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида эришган муваффақиятларини ҳам эътироф этади. Мамлакатимизда амалга оширилган тўб ислохотлар туфайли "Cotton Campaign" халқро нодавлат ташкилотининг ўзбек пахта-таъсирга қўйилган бойкоти бекор қилинди.

Бугунги кунда АҚШда мингларча Ўзбекистон фуқаролари ишлаб, тахсил олмоқда. Улар ўз урф-одадлари ва маданиятини авайлаб асраш, диаспора ва маданий уюшмалар доирасида яқинда мулоқот қилиш имконига эга. Ташкент ва Сиэтл, Бухоро ва Санта-Фе, Зарафшон ва Клинтон шаҳарлари ўртасида ўрнатилган биродарлик алоқалари маданиятларо мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ва ҳамкорликни нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама форматда ҳам кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр.

14 сентябрь Душанбеда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Бугун эса минтақа давлатлари раҳбарлари Марказий Осиё салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг раванқ йўлида АҚШ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишга тайёрдир.

«Дунё» АА.

### Хорижий ОАВ:

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ БМТ МАҚСАДЛАРИГА ҲАМОҲАНГ

Шу кунларда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат-этибори БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркда ўз ишhini бошлаётган 78-сессиясига қаратилган. Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этмоқда. Шу муносабат билан бир қатор хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг БМТ билан ҳамкорлигига эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Латвиянинг етакчи "LETA" ахборот агентлиги порталида ушбу мавзуга бағишланган мақола эълон қилинди.

Унда қайд этилишича, сўнгги йилларда Марказий Осиё таъкидлагани шериклик ва халқро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги босқичига қадам қўйди. Улар орасида БМТ муҳим ўрин тутди.

"Марказий Осиё мамлакатлари ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёнида минтақа давлатлари минтақавий ривожланиш ва хавфсизликнинг кўплаб долзарб муаммоларига ечим топишда сезиларли муваффақиятларга эришилди. Улар орасида Марказий Осиёда ядро қуролдан холи ҳудудни яратиш, Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш бўйича халқро савдо-ҳарақатларда фаол қатнашиш, БМТнинг Глобал терроризмга қарши кураш стратегиясини амалга ошириш бўйича Марказий Осиё давлатларининг Қўшма ҳаракатлар режасини қабул қилиш ва амалга ошириш, Гибевандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомаласи бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини таъсис этиш, Орол денгизи муаммолари бўйича БМТ махсус комиссиясини тузиш ҳамда БМТнинг "Бош Ассамблеяда Оролни кўтариш халқро жамғармасига қузатуви мақомини бериш" тўғрисидаги резолюциясини қабул қилиш масалалари мавжуд.

**Хитойда нашр этиладиган "Diplomat" журнали** саҳифасида Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, экологик барқарорлик ва фуқароларнинг ҳаёт кечириш сифатини яхшилашга қаратилгани қайд этилган мақолада БМТ муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун БМТнинг "ҳеч кимни орта қолдирман" деган асосий тамойилига мувофиқ амалга оширилиши таъкидланади.

Барқарор ривожланиш йўлида қабул қилинган ислохотлар Ўзбекистонга БМТ БРМ индексиде сақиз поғонага қўйрилиш имконини бериб. Бу мамлакатда амалга оширилаётган муҳим муваффақият ва ўзгаришлардан далolat бериши баробарида барқарор ривожланиш учун танланган йўналишнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Мақолада БМТ доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда барқарор тарақиётни таъминлашга салмоқли амалий ҳисса қўшгани қайд этилган. Мамлакатимиз БМТ ва унинг иختисослаштирилган идоралари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш тамойилига амал қилиши ҳам таъкидланган.

Барқарор ривожланиш жамиятнинг барча соҳасида доимий савдо-ҳарақатлар ва уйғун ҳамкорликни талаб қиладиган жараён эканлиги Ўзбекистон мисолда келтирилди, деб хулоса қилинади "Diplomat" журналида.

**Киргизистоннинг оммабоп "Alliance-press.kg" ахборот порталида** ёзилишича, сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида БМТ ва унинг институтлари билан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашмоқда. Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатларнинг халқро тадбирларини биргаликда ўтказиш, аниқ техник ёрдам дастурларини амалга ошириш ва халқро хавфсизлик соҳасидаги амалий ҳамкорлиги фаоллашгани минтақа мамлакатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Марказий Осиёда ривожланишнинг ҳамда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ташаббусларни амалга ошириш борасида ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини далolat беради.

**"Слово Кыргызстана" умумимиллий газетасида** Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигига эътибор қаратилган. "Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси ва иختисослаштирилган муассасалари фаолиятининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72, 75 ва 76-сессияларида, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг юқори даражадаги сегментиде иштирок этди ва сўзга чиқди", деб ёзади нашр муҳбири.

Мақолада таъкидланишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбари БМТ минбаридан глобал ва минтақавий кун тартибиде



нинг долзарб масалалари бўйича қатор муҳим халқро ташаббусларни илгари сурди.

Нашрда ёзилишича, БМТ Бош Ассамблеяси доирасида олтинта резолюция ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Булар "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тарақиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида" (2018 йил, июнь), "Маърифат ва диний бағрикенглик" (2018 йил, декабрь), "Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш" (2019 йил, декабрь), "Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисида" (2021 йил, май), "Марказий Осиёдаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича" (2022 йил, июль), "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида" (2022 йил, декабрь) резолюциялардир.

Газетада мустаҳкам тинчликнинг фаол тарафдори ва ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ташаббуслари сифатида Ўзбекистон бундан кейин ҳам БМТ ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорликка катта эътибор қаратиши ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилиб ўтилган.

«Дунё» АА.

### Ўзбекистон — Жанубий Корея:

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР АМАЛИЙ МАЗМҮН БИЛАН БОЙИМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси шу кунларда амалий таширф билан Корея Республикасида бўлиб турибди.

Таширфнинг дастлабки куни қатор учрашувлар ўтказилди. Хусусан, "Жанубий Корея — Ўзбекистон" парламент дўстлик ассоциацияси раиси Пак Кванг Он билан бўлган мулоқотда икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашда қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорликдаги савдо-ҳарақатларини кучайтириш, уни амалий мазмун билан бойитиш юзасидан фикр алмашилди.

Хусусан, парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида дўстлик гуруҳларининг навбатдаги учрашувини 2024 йилда Сеул шаҳрида ўтказиш тақлиф қилинди.

Шунингдек, олий даражадаги келишувлар ("Йўл хариталари") ва Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигининг барча йўналиши ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш мақсадида Сенат Раиси бошчилик қиладиган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссия ўртасида алоқаларни кенгайти-

риш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, жумладан, камбағалликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш, Оролбўйи минтақаси экотизимини яхшилаш борасидаги лойиҳалар томонларнинг диққат марказида бўлди.

Учрашув якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

**Хориждаги ватандошлар билан учрашув**

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева таширф доирасида Корея Республикасидаги ўқувчилар, талабалар, тадбиркорлар, IT компаниялари мутахассисларидан иборат бир гуруҳ ватандошларимиз билан мулоқот ўтказди.

Учрашувда ижтимоий-меҳнат муносабатларини ривожлантириш, хорижда

таълим олиб, ишлаётган ватандошларимиз учун муносиб шароитлар яратиш, уларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш хусусида сўз борди.

Шу билан бирга, Сенат Раиси ватандошларимизнинг кейинчалик этилиши мумкин бўлган илмий тадқиқот йўналишида олиб бораётган изла-нишлари билан қизиқди. Бунда асосий эътибор таълим, тиббиёт ва инновацияларга қаратилди.

Самимий руҳда кечган мулоқот чоғида иштирокчилар томонидан мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш, таълим, ёшлар ва бошқа соҳаларга доир қатор масалалар кўтарилиб, амалий тақлифлар билдирилди.

Болалар ва ёшлар таълими, кадрлар тайёрлаш тизими, шунингдек, аёллар университетларини ташкил этиш бўйича ушбу мамлакат таърибасини батафсил ўрганиш, юртимиз давлат органлари ходимларини хорижий давлатлар, хусусан, Жанубий Корея олий таълим муассасаларида билим олиши учун танлов тизимини такомиллаштириш, корейс таърибаси мисолида

ўзбек тилининг луғат базасини мунтазам янгилаб бориш ва кенгайтириш каби тақлифлар шулар жумласидандир.

Учрашув якунида Сенат Раиси билдирилган тақлифларнинг амалда ўз ифодасини топиши учун зарур имкониятларнинг барчасини ишга солишини айтиб ўтди.

Ўз навбатида, Корея Республикасида таълим олаётган ҳамда ўз касбий фаолиятини олиб бораётган юртодошларимиз билан таърибларини келажакда юртимиз тарақиёти йўлида қўллашга тайёр эканликларини билдирди.

**Стратегик шерикликка асосланган яқин муносабатлар**

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Корея Республикасига таширф доирасида Миллий Ассамблея Спикери Ким Чжин Пхё билан музокара ўтказди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ҳамда алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар,

айниқса, парламентларо алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Парламентларо ҳамкорлик самарали йўлга қўйилгани, парламент раҳбарларининг ўзаро таширфлари доирасида амалий келишувларга эришилгани, дўстлик гуруҳларининг ўзаро мулоқоти фаоллашгани манунятини билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея худудларо ҳамкорлигини кенгайтириш, хусусан, маҳаллий Кенгашлар ўртасида аниқ чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган қўшма дастурни қабул қилиш орқали худудлардаги депутатлар ўртасида яқин алоқалар ўрнатиш юзасидан фикр алмашилди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги етакчи савдо-иқтисодий шерикларидан бири. Шу нукта назардан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш энг устувор вазифа ҳисобланади. Охириги беш йилда товар айланмаси икки баравар ошди. 2022 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 23,3 фоизга ўсди ва 2,34 млрд. долларни ташкил қилди. 2025 йилга бори мазкур кўрсаткични 5 млрд. дол-

ларга етказиш учун катта имкониятлар мавжудлиги айтиб ўтилди.

Хусусан, аниқ мақсадларга эътибор қаратилиб, қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарини зарур инфра-тузилма билан таъминлаш, ноёб металлларни ўзлаштириш, шунингдек, юқори тезликда ҳаракатланиш имконини берувчи йўллар барпо этиш борасида ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳам томонларнинг диққат марказида бўлди, таълим ва кадрлар тайёрлаш йўналишларидаги қўшма дастурларни амалий мазмун билан бойитиш тақлифлари илгари сурилди.

Мамлакатларимиз позицияларининг яқинлигидан келиб чиқиб, халқро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан, БМТ институтлари ва бошқа тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашга, кўп қиррали ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишлари бўйича икки томонлама муносабатларни янги даражада олиб чиқишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Қардошлиқ ришталари

Озарбайжоннинг Фузүлий туманида қурилган мактабда биринчи кўнғироқ

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Озарбайжоннинг Фузүлий туманида бунёд этилган Мирзо Улугбек номидаги 1-умумтаълим мактабда биринчи кўнғироқ чалинди.



Тадбирда Озарбайжон Президенти-нин максис вакили Эмин Хусейнов, фан ва таълим вазири Эмин Амруллоев, Қорабоғ вилояти халқ таълими бошқармаси раҳбарлари, ўқитувчилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Фузүлийда 23 август кун Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, биринчи хоним Меҳрибон Алиева, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва унинг рафиқаси Зироатхон Мирзиёева томонидан очилган Мирзо Улугбек номидаги 1-умумий ўрта таълим мактабда ўқув йилининг бошланиши туркий дунё халқлари қардошлигини намояндалар раҳбарий маънога эга.

Яқин вақт оралиғида қайта тикланаётган Фузүлийда бошқа таълим муассасалари фаолияти ҳам бошланиши, Қорабоғ замини-

да тахсил олаётган талабалар Озарбайжон илм-фани равақига ўз хиссаларини қўшиши айтилди.

Маросимдан сўнг мактабда биринчи кўнғироқ чалинди, меҳмонлар мактабда яратилган шароитлар билан танишди.

Эслайти ўтамиз: Мирзо Улугбек номидаги 1-мактаб 960 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, унда 40 та ўқув хонаси, 6 та лаборатория, 2 та информатика хонаси, 5 та функционал ўқув хоналари, йилгилар ҳамда спорт заллари, ошхона ва кутубхона мавжуд. Мактаб ҳудудига футбол майдони, дам олиш ва тадбирлар ўтказилганидан жойлар, югуриши йўлаклари қурилган. Янги ўқув йилида мактабнинг 11 синфиди 160 нафар ўқувчи тахсил олади, ўқитувчилар жамоаси 15 кишини ташкил қилади.

«Дунё» АА. Боку

Марказий Осиё:

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги иштироки ҳамда нутқи жаҳон ҳамжамияти ва халқаро экспертлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Фикр

Бугунги дунё бир қараганда ўта тараққий этган, бошқа томондан эса жуда қолоқ, Баъзан тинч ва хотиржам. Гоҳида нотинч ва турли таҳдидлар гирдобидида қолаётганини кўрамыз.

Лекин жаҳон сиёсатининг ёзилмаган қоидалари ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Бу ҳақиқат, айниқса, маълум бир минтақалар, ҳудудлар, чегаралар, яқин кўшилар ўзаро муносабатларида кўзга яққол ташланади. Бу талаб ва таъминотлардан Марказий Осиё ҳам четда эмас.

Афсуски, битта вужудга айланган Марказий Осиё ва унинг халқлари ўртасидаги муносабатларни бошқа давлатлар, яъни учинчи томон белгилаши, қарор қабул қилиши бир асрдан кўпроқ вақт давомида. Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришиши натижасида муаммо ва зиддиятларнинг янада ортishi, ташқи кучларнинг доимий босими остида қолиш яна чорак аср вақт ҳукм сурганини афсус-надомат билан қайд этишимиз.

2016 йилга келиб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси, талаби, кучли сиёсий иродаси билан Марказий Осиё давлатлари ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги тикланди. Минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви — сиёсий институт яратилди.

Тарихда биринчи марта беш мамлакат раҳбарлари ва делегатлари бир стол атрофида ўтириб, муаммоларни ечишга, ҳал этишга, ўзаро ҳурмат ва манфаатлар ҳисобга олинишига эришилди. Натижада «Марказий Осиё нуктаи назари», «Марказий Осиё фикри», «Марказий Осиё қарашлари» деган тушунчалар жаҳон дипломатиясида пайдо бўлди, дейиш учун тўла асосларимиз бор.



химизда бошимиздан ўтди. Яққаланиб қолиш нафақат давлат иқтисодиётига, балки унинг мустақиллигига ҳам улкан хавф-хатар эканлигини англаб етдик ва ҳулосалар чикардик.

Марказий Осиё халқлари бир дарёдан сув ичди. Замини заминига туташ, тоғлари тоғларига уланиб кетган. Яратган нафақат табиатиимизни, балки қалбларимизни ҳам туташтирган. Бу ўзбек — тожик, ўзбек — қозоқ, ўзбек — қирғиз, ўзбек — туркман, ўзбек — озар оилалари мисолида ҳам намоян.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги аҳвол бизни қониқтирмади керак. Биз янада яқинлашиш, ўзаро тенг ва манфаатли муносабатлар барқарорлаштириш йўлидан боришимиз, тўхтаб қолмаслигимиз зарур.

Президентимиз томонидан Маслаҳат учрашувида минтақа учун ўта долзарб ва муҳим бўлган бир қатор тақлифлар илгари сурилганини ҳам айтиб ўтиш даркор.

Хусусан, Марказий Осиё ёшлари тақдирига алоқадор фикрлар йилгилар иштирокчилари томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Таъкидланганидек, мамлакатларимиздаги истеъдодли ёшлар учун илм-фан ва таълим соҳасида ал-Хоразмий, Фарабий, Жомий, Махтумқули, Чингиз Айтматов каби Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар, аллома ва файласуфлар номидаги минтақавий

грант ҳамда стипендияларни таъсис этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Эртанги кунимиз бўлган Марказий Осиё ёшларининг бирдамлигига алоҳида эътибор қаратишимиз, уларни миллий қадриятларимиз ва меросимиз руҳида тарбиялашимиз мумкин эканлигини бугун хаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Глобаллашув замонида, дўстлик ва қадриятлар оёқости бўлган бир даврда яшаётганлигимизни унутмаслигимиз керак.

«Марказий Осиё» тушунчасини илмий асослаш, унинг тарихи, келажаги бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий анжуманлар ўтказиш, бир бутун тарихимизни яратиш олимларимиз зиммасига катта масъулият юклайди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида биринчи марта Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг иштироки этиши ҳам мазкур тузилмага жаҳон ҳамжамиятида қизиқиш ва интилиш тобора ортиб бораётганлигини билдиради.

Мазкур нуфузли анжуман доирасида бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзаро келишувларга эришилди. Истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Умуман, Маслаҳат учрашувида Марказий Осиё бирдамлиги йўлида муҳим қадам ташланди.

Рустам ХОЛМУРОДОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Акс садо

ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ДАХЛДОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қўтариши халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисида қатнашди.

Авалло айтиш жоизки, ташкил қилинганга 30 йил тўлган Оролни қўтариш халқаро жамғармаси экологик таҳдидларга қарши кураш масалаларида давлатларнинг умумий манфаатларини илгари суриш учун муҳим майдон сифатида гоёт зарурлигини намойиш этди. Ўтган вақт мобайнида Орол денгизи хавзаси бўйича келишилган ёндашувлар ишлаб чиқилди, кўшма қарор ва дастурлар қабул қилиниб, амалга оширилди.

Оролни қўтариш халқаро жамғармаси — бу, аввало, Марказий Осиё мамлакатларининг глобал миқёсдаги энг ўткир муаммолардан бирини ечиш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик бораидаги ноёб тажрибадир. Жамғарма нафақат Орол фожияси қўламини камайтириш билан машғул, балки сув ва экология соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим платформасига айланди. Айни чоғда у бир қатор минтақавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштириб, халқаро институтлари ва донор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу маънода, тузилманин ўрни ва аҳамияти глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида вужудга келаятган янги хавф ва таҳдидлар шароитида янада ортиб бориши, шубҳасиз.

Глобал иқлим ўзгариши минтақамизга ҳам бегона эмас. Музликларнинг эриши, табиий офатлар, шунингдек, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва саноатлашув натижасида юзага келаятган токсикен омиллар туфайли минтақадда сув ҳамда экология билан боғлиқ вазият ёмонлашиб бораётгани ва унинг оқибатлари хавотир уйғотмай қолмайди.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб, сув ресурслари бўлган эҳтиёж уй баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар янги минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин. БМТ маълумотига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари таққилиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилга 2 млрд. долларгача маблағ йўқотмоқда. Буларнинг барчаси жамғарма доирасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган келишилган янги қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади.

Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбари саммитнинг кун тартибига мос равишда қатор аниқ тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Биринчидан, Ўзбекистон Оролни қўтариш халқаро жамғармасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва институционал механизмларини модернизациялаш тарафдори. Чунки 1990 йилларда қабул қилинган жамғарма низоми эскириб бўлди, уни қайта қўриб чиқиш, амалдаги тузилма фаолиятини биргалликда таҳлил этиш ва жамғарма таркибидидаги ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ҳамда самарасини ошириш бораида тақлифлар тайёрлаш вақти пишиб етилди. Давлатимиз раҳбари унинг фаолияти ва ҳамкорлик масалаларини аниқ тартибга солувчи «Қоида ва тартиб-таъминлар»ни ишлаб чиқишни тақлиф этди.

Энергетика ва озиқ-овқат келажаги сув

билан боғлиқ, Сув танқислигининг олди олинса, электр қуввати ва озиқ-овқат муаммоси ҳам ижобий ҳал бўлади. Шунинг учун жамғармани ривожлантириш ва ислох этиш жараёнларини тармоқлараро таъмоий асосида, яъни замонавий экологик таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, «сув — энергетика — озиқ-овқат» тартибидидаги комплекс ёндашувлар негизида амалга ошириш муҳимлиги тилга олинди.

Иккинчидан, Орол денгизи хавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича тўртинчи дастурнинг ижроси билан боғлиқ ҳолат ҳам минтақаддаги мамлакатларни ташвишга солиши мумкин. Чунки дунёдаги зиддият ва қарама-қаршиликлар фондида жамғарманин лойиҳаларини мольялаштириш мураккаблашиб борапти. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан жамғарма бошқарувида амалдаги Дастурни танқидий қайта қўриб чиқиш топшириғини бериш тақлиф этилди.

Учинчидан, устувор минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун инвестиция, технология ва техник кўмакни жалб қилиш масалалари бўйича тизимли ҳамкорликни кучайтириш, ҳар бир аъзо мамлакат минтақавий лойиҳаларга четдан кўмакни жалб этиш бўйича ўзига мажбурият олиши, раислик қилувчи томоннинг мувофиқлаштириши асосида инвестицияларни ва техник кўмакни жалб этиш ва тақсимлаш механизмларини ишлаб чиқиши зарурлиги айтилди. Колаверса, хорижий шериклар, етакчи халқаро институтлар ва донор ташкилотларни жалб қилган ҳолда, кўшма лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш мақсадида махсус минтақавий конференция ўтказиш тақлиф этилди.

Тўртинчидан, жамғарманин ишчи органларида халқаро консултантлар иштирокида Амударё ва Сирдарё хавзаларини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режалар ишлаб чиқиш топшириғини бериш тақлифи илгари сурилди. Бундай стратегик ҳужжатларнинг қабул қилиниши минтақамизда сув-энергетика ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш сиёсатини мувофиқлаштиришга имкон беради.

Бешинчидан, сув таққилилашиб бораётган бир пайтда сувдан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида мувофиқ. Шу боис Президентимиз сув ва бошқа табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш, махсус дастурни қабул қилган ҳолда ёшлар ташаббуслари ва стартапларини қўллаб-қувватлаш масалаларида ёшлар билан ишлашни минтақавий даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишга чақирди.

Мухтасар айтганда, Оролни қўтариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари мажлисида илгари сурилган ташаббуслар ва қабул қилинган ҳужжатлар ижроси халқларимиз фаровонлиги ва Марказий Осиё минтақасининг гуллаб-яшнаши йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга йўл очди.

Абдумалик АКРОМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Қонунчилик палатаси фракцияларида

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИНИ КАФОЛАТЛАШГА ОИД ҲАЁТИЙ НОРМАЛАР АКС ЭТМОҚДА

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йилги ишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда ишлохларни янги босқичга кўтаришга доир муҳим қонун лойиҳалари муфассал қўриб чиқилди.

Бизнес-омбудсман фаолиятида қандай янгиларни кутиляпти?

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йилги ишларида «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган тизимли ишлохлар туфайли тадбиркорлар учун одил судловга мурожаат қилиш имкониятлари кенгайтирилди, давлат органлари билан низоларни судга ҳал этиш ҳамда бошқа муқобил институтлар ташкил қилинди. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг йўлга қўйилгани эса ушбу соҳада янги имкониятлар ашигини очиб берди.

ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари А. Ҳайитов қайд этганидек, кичик бизнес ва эркин тадбиркорлик — кучли иқтисодиёт асоси. Сўнгги йилларда юртимизда соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Бизнес-омбудсман фаолиятини тартибга солуви махсус қонунга унинг ва девонининг мақомини давлат органи сифатида аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатилгандаги но-аниқликларни бартараф этади.

Муҳокамалар давомида депутатлар ЎзЛиДеП мамлакатдаги етакчи сиёсий куч сифатида тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни қайд этдилар. Партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор тақлифлар берилди. Қизгин савол-жавоблардан сўнг ҳужжат лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритилмоқда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган кенг қўламли ишлохлар амалга оширилмоқда. Лекин айрим шахсларнинг замонавий рақамли технологиялар ютуқларидан ноқонуний ҳамда гаразли мақсадларда фойдаланиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиб, давлатга зарар етмоқда. Бу эса рақамли технологиялар ёрдамида содир қилинаётган янги турдаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланишга таъқоз этипти.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мобил қурилманин халқаро ўза ҳос идентификация қодини ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунчилик ҳужжатларида зид равишда ўзгартирилган ёки нуҳсасини ясаганлик, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини буз-

Адвокатларни электрон тизим орқали танлаш тартиби жорий этилади

«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасини Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси йилги ишларида қўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларни кафолатларини кучайтиришга доир тизимли ишлар олиб боришмоқда. «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, фуқароларга Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилди.

Шунингдек, суд ишлари юриктирининг барча босқичида томонлар тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилиб, адвокатлар профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

Тақлиф қилинаётган қонун лойиҳасининг мақсади жимосийи шахсларга мамлакатимиз Конституцияси ва халқаро шартномалар билан кафолатланган ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга қаририш ҳамда ҳимояси учун зарур бўлган барқарор ва ишончли, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш, юридик ёрдам олиш ва одил судловга эришишга тенг имкониятлардан фойдаланишини таъминлашдан иборат.

— Ушбу ҳужжатга кўра, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда, — дейди «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмомов. — Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилиси электрон тизим орқали тасодифий танлаш тартиби жорий этиляпти. Айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган кафолатларини кучайтиришга, мамлакатнинг тегишли халқаро рейтинглар, жумладан, Ҳуқуқ устуворлиги индекси (Rule of law)даги ўрнини яхшилашга йўл очди.

Йилги ишлари давомида депутатлар томонидан партия позицияларидан келиб чиққан ҳолда қўтарилган саволларга қонун ташаббускорлари ва соҳа мутахассисларидан атрафлича жавоблар олинди.

Ижара муносабатларидаги ҳуқуқ ва эркинликлар янада мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йилги ишларида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижара муносабатларидаги ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш ҳамда пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан «Ижара тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида ногиронлиги бўлган шахс, деб топилиган ижарачи амалдаги ижара шартномаси бўйича ўза мажбуриятларини бажариши давом эттириш истогини билдирган тақдирда шартноманин амал қилиши тўхтатилмаслиги белгиланмоқда.

Шунингдек, маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилинган даврда амалга оширган меҳнат фаолиятини пенсия олиш ҳуқуқини берадиган фаолият турли сифатида белгилаш, пенсияларнинг миқдорини истеъмо нарх (тариф)лари индекси (инфляция) даражасининг ўсиш сурьатларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, ўза вақтида талаб қилиб қилинган пенсия пулини олиш мақсадида мурожаат қилинган даврдан олдинги йилгига тўрт ойдан ошмаган давр учун ҳам пенсияларни тўлаш тартиби жорий этиляпти.

Депутатлар лойиҳанин муҳокама қилар экан, унинг муҳимлиги, партия электорати манфаатларига тўла мос келишини эътироф этиб, ушбу ҳужжат инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг кундалик турмуш тарзини яхшилашга замин яратишини таъкидладилар. Қизгин фикр-мулоҳазалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан маъқуланди.

Экологик ҳолатни янада яхшилашга хизмат қилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йилги ишларида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига корхоналар, ташкилотлар, ишшоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш юзасидан қарор қабул қилиш меъзоларини белгилашга қаратилган қонун ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли пунктирларини қўқаламзорлаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш, санитария ва экологик ҳолат сифатини ошириш орқали инсонлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан қурилиш, саноат ишлаб чиқариш ва урбанизация қўламининг кенгайиши табиғатга қачириладиган ташпамаларнинг ортишига ҳамда аҳоли пунктирларига тушаётган экологик ва ижтимоий юқламанин ошишига олиб келаяпти.

Шундан ҳам маълумки, соҳанин ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида атраф табиий муҳитнинг меъёридан ортиқча даражада ифлосланиш натижасида фуқароларнинг хаёти ва соғлиғига хавф юзага келишининг олдини олиш муносабати билан корхоналар, ташкилотлар, ишшоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини вақтинча чеклаш ҳамда тўхтатиб туришга доир қоидалар белгиланмоқда.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси Экологик партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларига тўла мос келишини таъкидлаб, белгиланаётган нормалар мамлакатимизда экологик ҳолатни янада яхшилаш, фуқаролар саломатлигини таъминлаш, аҳоли учун хавфсиз муҳитни шакллантириш имконини яратишга хизмат қилишини алоҳида қайд этдилар.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

# БМТ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ УЧУН МУҲИМ МАЙДОН

Бугун — 19 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилати (БМТ) Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг умумий муҳокамаларида нутқ сўзлайди ҳамда минтақавий ва глобал кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён қилади.

## Нуктаи назар



Таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилати ўз номи билан бугун дунё мамлакатларини бирлаштирган универсал халқаро ташкилотдир. Ўзбекистон ушбу халқаро тузилмага истиқлолнинг дастлабки ойнаридаёқ — 1992 йил 2 март кuni аъзо бўлган. Ўтган даврда ўзаро алоқалар изчил ривожланди.

Ўзбекистон БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро шартномалардаги мақсад ва принципларга содиқ бўлиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни оғишмай бажариб келмоқда. БМТнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида тенглик, ҳамкорлик, кўптомонлама ва халқаро сиёсий тизимни ҳимоя қилиш принципларига сўзсиз амал қилишини намойиш этаётди. Сунги вақтларда халқаро низо-ларни тинч йўл билан ҳал қилиш, янги глобал қуроли тўқнашувларнинг олдини олиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, глобал мулоқот ва бугун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш каби гоёларни фаол илгари сурмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги сўнгги етти йилда мутлақо янги даражага кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош А-

ссамблеясининг 72, 75 ва 76-сессияларида, шунингдек, 2021 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлади. Уларда Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва бошқа соҳалардаги ташаббусларни эълон қилди.

Шу билан бирга, БМТ шафелигида мамлакатимизда қатор халқаро конференциялар ўтказилди. 2017 йилда Самарқандда “Марказий Осиё: бир ўтмиш ва умумий келажак, барқарор тараққиёт ва ўзаро фаровонлик йўлида ҳамкорлик” конференцияси, 2018 йилда Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик”, 2021 йилда Хивада “Марказий Осиё халқонини цивилизациялари чорраҳасида” халқаро форумлари ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси БМТ билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири. Бугун мамлакатимизда демократиянинг замонавий ва инсон ҳуқуқлари мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизимни барпо қилинган, қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар ва суд ҳокимияти фаол ишламоқда. Энг муҳими, жамиятда

Конституцияга ва мамлакат қонунларига ҳурмат қарор топган.

Бугунги дунёда турли таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётди. Жаҳон иқтисодиётида конъюнктура ўзгараётган, глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган бугунги шароит барча мамлакатларнинг янада барқарор ва уйғун ривожланиши учун мутлақо янги фоя ва принципларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон 2015 йил сентябрь ойида БМТ саммитида қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини самарали амалга оширишга доир глобал миқёсда қўрилаётган чора-тадбирларни маъқуллади ва ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама ва жадал янгилаш учун шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда 2017 йил 7 февраль кuni 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, кейинроқ 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатларнинг асосини мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-гуманитар ислох қилишнинг концептуал масалалари ташкил этади.

Ўзбекистон жадал ривожланар экан, жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳада чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад — “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойилини амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат. Одамларнинг эркин ҳаракатини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингарии умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди. Инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шахсни қамқоқда сақлаш билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар қайта кўриб чиқилди. Экстремизм гоёлари тасвирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинди, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилди. Эндиликда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари фаолияти парламента ва фуқаролар томонидан доимий назорат қилиб боришмоқда.

Иқтисодиётни либераллаштириш,

қулай инвестиция муҳитини яратиш амалга оширилаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидир. Ўзбекистонда миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтилди. Бу борада аҳоли учун юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича барча зарур чоралар кўрилди. Мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилди. Бизнес соҳасидаги солиқлар сезиларли равишда қисқартирилди, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилди. Янги эркин иқтисодий зоналар очилди, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар яратиб берилди. Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда.

“Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги сўнгги етти йилда мутлақо янги даражага кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72, 75 ва 76-сессияларида, шунингдек, 2021 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлади. Уларда Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва бошқа соҳалардаги ташаббусларни эълон қилди.”

Ўзбекистон барқарор тараққиёт соҳасида БМТ билан яқин ҳамкорлик қилади. БМТнинг 2030 йилгача кун тартибиде бўлган масалаларни амалга ошириш мақсадида ҳукумат томонидан 2030 йилгача даврни қамраб олган Барқарор ривожланиш соҳасидаги



миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган Ҳаракатлар стратегияси ва Тараққиёт стратегияси БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари ижросининг беш йиллик “йўл хариталари” ҳисобланади.

Маълумки, 2020 йилнинг 24 февралда БМТ Бош котиби А. Гутерриш “Юксак интилиш: инсон ҳуқуқлари учун ҳаракатга қақриқ” номи остидаги ташаббусни илгари сурди. Унинг энг муҳим моҳияти — фуқаролик жамиятини кучайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, эркак ва аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда, шунингдек, ахборот эркинлигида тенгликка эришиш зарурияти ҳисобланади.

БМТнинг мазкур ташаббуси Ўзбекистоннинг айти шохаларда амалга ошираётган ислохотлари билан ҳамоханг. Зеро, инсон ҳуқуқларини таъминлашдан туриб, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар тараққиёти йўлидаги муаммоларини ечиш имконсиз.

Бугун дунё аҳолисининг 2 миллиард нафарини ёшлар ташкил этади. Табиийки, сайёрамизнинг эртанги кuni, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гоёси “вируси” тарқалишининг олдини олиш муҳим вазифа. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро

ҳуқуқлари ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига қарши кураш, атроф-муҳит ва биохилмаҳилликни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йил май ойида БМТ Бош Ассамблеясининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюцияси қабул қилинди. БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолият бошлади. Оролбўйида умумий қиймати 3 млрд доллардан ортиқ лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Оролнинг қуриган тубида 1,7 миллион гектардан ортиқ майдонда ҳимоя ўрмонзорлари экилди.

Умуман олганда, ўтган йиллар мобайнида Президентимиз минтақада ва глобал миқёсда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, изчил тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, конструктив мулоқотни кенгайтириш, шунингдек, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси, кашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш масалалари каби замонавий ҳатар ва таҳдидларга қарши қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Асосийси, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси сессияси инсоният олдида турган долзарб муаммоларни муҳофаза қилиш, уларга ечим қидириш масалаларига бағишланади. Бу борада давлатларнинг қарашлари ўртага ташланади, минтақалар ва халқлар манфаатларидан келиб чиқиб ҳулосалар белгиланади.

Шу маънода айтганда, ишончимиз комилки, Президентимизнинг сессиядаги иштироки ва БМТнинг юксак минбардан янграйдиган нутқи Ўзбекистоннинг янги тарихи саҳифаларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни янада бойитади.

Тўлқин ТЕШАБОВ,  
Тошкент молия институти ректори,  
профессор.

РЕКЛАМА

## TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI

### 2024-yil uchun oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim institutiga quyidagi ixtisosliklar bo'yicha qabul e'lon qiladi:

**TAYANCH DOKTORANTURA:**  
(ishlab chiqarishdan ajralgan holda o'qish uchun)

01.02.04 — Deformatsiyalanuvchan qattiq jism mexanikasi;  
02.00.05 — Sellyuloza va sellulyuloza-qog'oz ishlab chiqarish kimyosi va texnologiyasi;  
02.00.08 — Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi;  
02.00.09 — Tovarlari kimyosi;  
02.00.13 — Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;  
02.00.14 — Organik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;  
02.00.15 — Silikat va qiyin eriydigan nonmetall materiallar texnologiyasi;  
02.00.17 — Qishloq xo'jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyasi;

11.00.05 — Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish.

**DOKTORANTURA:**

02.00.08 — Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi;  
02.00.09 — Tovarlari kimyosi;  
02.00.13 — Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;  
02.00.15 — Silikat va qiyin eriydigan nonmetall materiallar texnologiyasi;  
02.00.17 — Qishloq xo'jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyasi;

11.00.05 — Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish.

**MAQSADLI DOKTORANTURA DSc:**

02.00.13 — Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;  
02.00.17 — Qishloq xo'jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyasi.

**MAQSADLI DOKTORANTURA PhD:**

02.00.08 — Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi;  
02.00.13 — Noorganik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;  
02.00.14 — Organik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;  
02.00.15 — Silikat va qiyin eriydigan nonmetall materiallar texnologiyasi;  
02.00.17 — Qishloq xo'jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyasi.

**STAJOR-TADQIQOTCHI:**

02.00.08 — Neft va gaz kimyosi va texnologiyasi;  
02.00.14 — Organik moddalar va ular asosidagi materiallar texnologiyasi;  
02.00.17 — Qishloq xo'jalik va oziq-ovqat mahsulotlariga ishlov berish, saqlash hamda qayta ishlash texnologiyalari va biotexnologiyasi;

11.00.05 — Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish.

**Barcha hujjatlar pdf shaklida tayyorlanib Oliy ta'limdan keyingi ta'limni muvofiqlashtiruvchi Yagona elektron tizimi (http://phd.mininnovation.uz) orqali ro'yxatdan o'tgan holda yuboriladi.**

**Hujjatlar 2023-yil 15-oktabrgacha qabul qilinadi.**

**Stajor-tadqiqotchilik, tayanch doktorantura (PhD), mustaqil izlanuvchilik (PhD) bo'yicha o'qishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim qiladi:**

1. Ariza.  
2. Qisqacha biografik ma'lumot (obyektivka — namuna 3,5 shakl bo'yicha o'zbekcha va ruscha).  
3. Mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun).  
4. Oliy ta'lim muassasasi magistraturasi diplomini, oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risida diplom nusxasi.  
5. Nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari (kamida bitta maqola va ikkita tezis).  
6. Ish joyidan tavsifnoma (mustaqil izlanuvchilar uchun).  
7. Ilmiy rahbar (konsultant)ning yozma roziligi.  
8. 3x4 sm. hajmda 4 ta fotosurat.  
9. Pasport nusxasi.  
10. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi hujjati nusxasi (mavjud bo'lsa).  
11. Til bo'yicha milliy (B2) yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat.

**Doktorantura (DSc), mustaqil izlanuvchilik doktorantura (DSc) bo'yicha o'qishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim qiladi:**

1. Ariza.  
2. Qisqacha biografik ma'lumot (obyektivka, namuna bo'yicha 3,5 shakl, o'zbekcha va ruscha).  
3. Mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun).  
4. Oliy ma'lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi.  
5. Tadqiqot mavzusi bo'yicha ilmiy ma'ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktralik dissertatsiyasi rejasining batafsil loyihasi.  
6. Nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari (kamida 3 ta maqola va 2 ta tezis).  
7. Ish joyidan tavsifnoma (mustaqil izlanuvchilar uchun).  
8. Ilmiy rahbar (konsultant)ning yozma roziligi.  
9. 3x4 sm. hajmda 4 ta fotosurat.  
10. Pasport nusxasi.  
11. Ilmiy yutuqlari (O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi hujjati nusxasi).

**Kirish imtihonlari 2023-yilning 1 — 25-noyabr kunlari bo'lib o'tadi. Qo'shimcha ma'lumotlarni 71-244-39-81 telefon raqami orqali olishingiz mumkin.**

**Manzilimiz: Toshkent sh., A.Navoiy ko'chasi, 32-uy.**  
**Toshkent kimyo-texnologiya instituti, ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash bo'limi.**

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНИТИРИШ МАРКАЗИ

### ҚЎЙДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ҚИЛАДИ:

**Терапия факультети:**  
Ички касалликлар кафедраси мудири, ассистенти;  
Дерматовенерология ва косметология кафедраси ассистенти;  
Гастроэнтерология ва физиотерапия кафедрасининг ассистенти;  
Неврология кафедраси ассистенти;  
Гематология ва трансфузиология кафедраси мудири;  
Кардиология ва геронтология кафедраси мудири, доценти.

**Педиатрия факультети:**  
Неонатология кафедраси мудири;  
1-педиатрия кафедраси мудири, доценти;  
2-акusherлик ва гинекология кафедраси ассистенти;  
Педиатрияда анестезиология ва интенсив терапия кафедраси стажер ўқитувчиси.

**Хирургия факультети:**  
1-стоматология кафедраси доценти, ассистенти;  
Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтия кафедраси ассистенти;

**Оториноларингология кафедраси ассистенти;**  
Травматология ва ортопедия кафедраси ассистенти.

**Тиббий профилактика факультети:**  
Гигиена кафедраси доценти;  
Клиник лаборатор диагностика кафедраси катта ўқитувчиси.

**Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети:**  
Ҳарбий тиббий экспертиза ва ўсмирлар тиббиёти кафедраси мудири, ассистенти;  
Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси;

Валеология кафедраси ассистенти;  
Олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари кафедраси катта ўқитувчиси.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.**  
**Телефон. 71-267-60-74.**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институтнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, профессор Суръат Гулямовга онаси

**Саида ГУЛЯМОВАнинг**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳдор этади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бу юртимга Г — 941. 33 088 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезетаник ҳақиқати маълумотларини оқибат олиши учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетаник сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Гезета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Гезетаник полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100066,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.**

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

**“Шарқ” нашіриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
**Буук Туран кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 09.30**    **Топширилди — 10.50**    **1 2 3 4 5 6**